

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

СИРОЖИДДИНОВ КОМИЛЖОН БОБОЖОНОВИЧ

**ГЕРОНТ АХОЛИ ПОПУЛЯЦИЯСИДА КОМОРБИД
КАСАЛЛИКЛАРНИ ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ ВА
ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРЛИ
МИНТАҚАЛАРИДА ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.43 – Профилактик тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2026

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Сирожиддинов Комилжон Бобожонович

Геронт аҳоли популяциясида коморбид касалликларни
эпидемиологияси ва профилактикасини Ўзбекистоннинг турли
минтақаларида хусусиятлари..... 3

Сирожиддинов Комилжон Бобожонович

Особенности эпидемиологии и профилактики коморбидных
заболеваний у геронт популяции в различных регионах
Узбекистана..... 27

Sirojiddinov Komiljon Bobojonovich

Features of epidemiology and prevention of comorbid diseases in the
gerontological population in various regions of
Uzbekistan..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

СИРОЖИДДИНОВ КОМИЛЖОН БОБОЖОНОВИЧ

**ГЕРОНТ АХОЛИ ПОПУЛЯЦИЯСИДА КОМОРБИД
КАСАЛЛИКЛАРНИ ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ ВА
ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРЛИ
МИНТАҚАЛАРИДА ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.43 – Профилактик тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2026

Фан доктори (DSc) диссертацияси мануси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2025.2.DSc/Tib1367 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида босқизилган.

Диссертация автореферати унга (Ўзбек, рус, инглиз (review)) тилда Илмий кенгаши вебсайтида (info@adli.uz) ва «ZyuzNet» (www.zyuznet.uz) ахборот таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мамасалиев Нematжон Солтисвич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлари:

Фоизлов Абдукаҳҳор Воҳидович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Салахиддинов Зухриддин Салахиддинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Бадритдинова Матлюба Нажмиддиновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етказчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳатмиеси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражадар берувчи DSc.06/2025.27.12.Tib.02.02 рақамли Илмий кенгашининг 2026 йил «22» «07» селат 10²⁰» даги маълумида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел./факс: (+998) 74-223-94-50, e-mail: info@adli.uz).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (94 -сон билан рўйхатдан ўтказилган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел.: (+998) 74-223-94-50.

Диссертация автореферати 2026 йил «10» «07» да тарқатилди.
(2026 йил «10» «07» даги 17 рақамли реестр боённомаси).



Н.Ю.Маматова

Илмий даражадар берувчи илмий кенгаши
хизматари, кимё фанлари доктори, профессор

Ж.А.Ботиров

Илмий даражадар берувчи илмий кенгаши
хизматари, тиббиёт фанлари доктори,
докцент

Ш.М.Қирғизов

Илмий даражадар берувчи илмий кенгаши
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
кимё фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори диссертацияси автореферати (DSc))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Умр кўришнинг узайиши коморбид касалликлар, бир вақтнинг ўзида 2 тадан кам бўлмаган касалликлари бўлган геронт аҳоли сонининг, ортишига олиб келди. Коморбидлик турли аъзолар функциясининг пасайишига, когнитив бузилишларга ва гериатрик синдромларнинг келиб чиқишига, ногиронлик ва эрта ўлимнинг кўпайишига олиб келувчи хавф омили бўлиб ҳисобланади¹. Геронт аҳолида нисбатан кўп учрайдиган коморбид касалликларнинг бўлиши умр кўриш давомийлигини 12 йилдан 15 йилгача қисқариши билан ассоциирланади. Илмий манбаларда “...коморбид касалликлар геронтологик ёшдаги аҳолида 49% тарқалиш частотаси билан тасдиқланиши ва яқин йилларда уларнинг ўсиб боришининг давом этиши, чунончи, 2035 йилга бориб коморбидлик билан яшовчи геронт аҳоли сонининг 86,4% га ортиши башоратланган...” маълумотлар келтирилган². Шу билан бирга “...аксарият ички касалликларнинг коморбидлиги юрак-қон томир касалликлари респиратор касалликлар коморбидлиги ва ошқозон-ичак касалликлари коморбидлиги, уронефрологик коморбидлик, қандли диабет ва инфекциялар коморбидлиги, бўғим касалликлари коморбидлиги юқори частоталарда қайд қилиниши...” ушбу ёш тоифаси вакилларида коморбидлик муаммосининг долзарбилигидан далолат беради³. Бу эса геронт популяцияда коморбидлик муаммосининг эпидемиологик жиҳатларини ўрганиш ва профилактикасининг самарали усулларини ишлаб чиқиш заруратини кўрсатмоқда.

Жаҳон миқёсида геронтологик ёшдаги пациентларда коморбидлик ҳолатларининг профилактикаси, эрта аниқлаш ва самарали даволаш даволаш усулларини чиқишга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда замонавий геронтологияда коморбидлик билан боғлиқ муаммоларнинг ўзига хос клиник-функционал хусусиятларини аниқлаш, комплекс даволаш жараёнида хавф омилларининг ўрнини баҳолаш, беморларнинг соматик ҳолатини эътиборга олувчи комплекс босқичма-босқич ёндашув режасини ишлаб чиқиш, коморбидлик муаммоси бўлган беморларда ички аъзоларнинг фаолиятининг ўзгаришларига асосланган даволаш-профилактика усулларини ишлаб чиқиш, даволаш самарадорлигини баҳолаш усулларини ишлаб чиқишни доимий такомиллаштириб бориш алоҳида ўрин эгаллайди.

Мамлакатимизда ушбу долзарблашиб бораётган масалаларнинг эпидемиологик, профилактик ва тиббий-ижтимоий жиҳатларини ҳар тамонлама илмий асосли тадқиқ қилиш, уни жаҳон тиббиётининг замонавий талабларига тенглаштириш, геронтологик беморларда касалликларнинг хавф омилларини ўрганиш асосида, коморбидлик юзага келишининг самарали профилактикаси ва

¹ Ибадова М.У. Патогенетическая значимость метаболического синдрома в формировании полиморбидных заболеваний //Автореф дисс...докт. философии (PhD) по мед. наукам. - 2024. -С. 3.

² Nunes B.P., Flores T.R., Mielke G.I. et al. Multimorbidity and mortality in older adults: a systematic review and metaanalysis//Arch. Gerontol. Geriatr. -2016.-Vol.67.-P.131-136.

³ AHA/ACC/HHS strategies to enhance application of clinical practice guidelines in patients with cardiovascular disease and comorbid conditions//Circulation. -2024.-Vol. 130.-N18. - P. 1662-1665.

даволаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. . Бу борада «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий этиш...» каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар соғлом геронтика етишни таъминлаб бера оладиган профилактик ва даволаш тадбирлари тизимини яратиб беришда, мамлакатнинг тиббий-ижтимоий хизматини ривожлантиришда, режалаштиришда етакчи йўналиш бўлиб ҳисобланади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сон “Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2020 йил 12-ноябрдаги ПҚ–4891-сон “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2018 йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий – ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴. Геронт аҳоли популяциясида коморбид касалликларни эпидемиологияси ва профилактикасининг хусусиятларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Sam and Ann Barshop Institute for Longevity and Aging Studies (АҚШ), Center for Multidisciplinary Research in Aging (Исроил), Institute of Gerontology (АҚШ), Department of Geriatric Medicine (Миср), D. F. Chebotarev Institute of Gerontology (Украина), University of Toronto (Канада), University of Glasgow (Шотландия), Eppendorf Hospital (Германия), University Medical Center Groningen (Нидерландия), Miguel Servet University Hospital (Miguel Servet University Hospital (Испания), China Pharmaceutical University (Хитой), Санкт-Петербург давлат университети (Россия), С. Д. Асфендияров номидаги Қозоғистон миллий тиббиёт университети (Қозоғистон), ЎЗР ФА қошидаги геронтология ва

⁴ Диссертация иши бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: www.pku.edu.cn, www.qdu.edu.cn, www.cgu.edu.tw, www.usj.edu.lb, www.umed.wroc.pl, www.ku.dk, www.snu.ac.kr, www.yonsei.ac.kr, www.ngt.ndu.ac.jp, www.unife.it, www.univaq.it, www.unibs.it, www.udea.edu.co, www.otago.ac.nz, www.iau.ac.ir, www.manchester.ac.uk, www.sydney.edu.au, www.cu.edu.eg; www.ufrj.br; www.uva.nl; www.portal.estacio.br; www.uwa.edu.au; www.unesp.br; www.khu.ac.kr. www.tmu.edu.tw; <http://kaznmu.kz/>, www.tipme.uz/, www.tsdi.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

гериатрия институти (Ўзбекистон), Самарқанд давлат тиббиёт университети (Ўзбекистон), Андижон давлат тиббиёт институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Геронт аҳоли популяциясида коморбид касалликларни эпидемиологияси ва профилактикасининг хусусиятларини ўрганишга бағишланган тадқиқотларда бир қатор аҳамиятли натижалар олинган, жумладан катта ёшли беморларда асоратларнинг ривожланиш даражаси даволаш самарадорлигидан юқори бўлиб, бу ёш гуруҳини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш зарурлигини кўрсатади (Rana Hashemi et. al., 2024). Геронтологик ёшли сурункали касалликларга чалинган ва қўшилиб келган касалликлар ривожланган эркак беморларда 7 турдаги сурункали касалликлар, жумладан артериал гипертония, қандли диабет, юрак касалликлари, сурункали ўпка касалликлари, артритлар ва дислипидемиялар ривожланганлиги аниқланган бўлиб, бу қўшилиб келган касалликлари бўлган беморларда касалликлар орасидаги корреляцияга ва касалликларнинг ўзаро таъсирига эътибор қаратиш лозимлигига ишора қилган кўрсатилган (Xiang. Z., Wang H., Li H., 2024).

Лекин геронт ва супергеронт ёшдаги аҳолида айнан коморбид касалликларнинг эпидемиологияси акс эттирилмаган ва аниқ профилактик алгоритмлар ёки ҳудудий дастурлар, бевосита геронт аҳоли учун йўналтирилиб, ишлаб чиқилмаган ёки шу йўналишдаги илмий тадқиқотларга эҳтиёж нафақат сақланиб қолган, балки кескин ортган (Conrad R., et. al., 2018; Curties A.B., Karki R. et. al., 2018).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аксарият клиник тадқиқотларда геронтологик ва геронт ёшдаги аҳолида коморбидлик муаммолари ўрганилган (EL Khondary S.R. et al., 2020; Nunes B.P., Flores T.R., Mielke G.I. et al., 2016). Коморбид касалликлар ёшга боғлиқ ҳолда ортиб боради ва полипрагмазия хавфини кескин оширади, натижада айниқса геронт аҳоли учун иккинчи хатар – фармакоэпидемиологик омил пайдо бўлади. Хусусан, геронтологик ёшда ўлимдан олдин 5 йил давомида кунига 10 та ва ундан ортиқ дори истеъмол қиладиганлар ҳиссаси 30% дан 47% гача ортган (Morin L., Vetrano D.Sh. et al., 2017). Геронт аҳолида касалликлар қуйидаги турлардаги коморбидликни келтириб чиқариб муҳим рол ўйнайди: “тасодифий коморбидлик” (касалликлар ўзаро бир-бирига боғланмаган), “сабабли коморбидлик” (иккала касалликни умумий сабаб чақиради) ва “кластерли коморбидлик” (коморбид ҳолат ўзаро боғланган, лекин муносабатлар характери бир хилда аниқлаб талқин қилиш мумкин эмас) (Van Kiet E.E.S., Hoes A.W., et al., 2016; Williams J.S., Egede L.E., 2016).

Мамлакатимизда геронтологик аҳолида коморбидлик муаммосини аниқлаш бўйича тадқиқотлар 90 ёшдан катталарда жуда кам миқдорда амалга оширилган. Асосан 60-89 ёшли контингентда бажарилган тадқиқотлар мавжуд. Шундай тадқиқотлардан бирида 60 ёшдан катта аҳолида коморбидлик контекстида тиш кариеслари муаммоси ўрганилган ва олинган натижаларга кўра коморбидлик ҳолати мавжуд беморларда, тишларнинг зарарланиши 60 ёшдан ошганларда 1.5 бараварга ошган 90 ёшдан катталарда 100% га етганлиги

аниқланган (Ирсалиев Х., Акбаров А., 2014). 60-89 ёшли геронтологик ва гериатрик популяцияда олиб борилган тадқиқотда коморбидлик муаммосининг таҳлилида, 60-89 ёшли эркакларда 56,5% ни, худди шу ёш тоифасидаги аёлларда 51,8% ни ташкил этган (Мавлонов Н.Х., Мамасолиев Н.С., 2021).

Шундай қилиб, замонавий профилактик тиббиётда коморбидлик, хусусан геронтокоморбидликни тадқиқ қилиш қўшилиб келган касалликларнинг ўзаро таъсирларини ўрганиш асосида баҳолаш ва олинган натижаларга асосланган ҳолда адекват профилактик, даволаш ва реабилитация чора-тадбирларини амалга ошириш долзарб муаммодир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган Олий таълим муассасанинг илмий- тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистоннинг турли минтақаларида сурункали ноинфекцион касалликларнинг эпидемиологиясининг ўрганиш, даволашни такомиллаштириш йўллари ва олдини олиш бўйича илғор технологияларни ишлаб чиқиш” (2020 – 2025 йй.) мавзусига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Коморбид касалликларни ва уларнинг хатар омилларининг тарқалишини Ўзбекистоннинг турли минтақаларида истиқомат қилувчи геронт аҳоли популяциясида ўрганиш, самарали ташхисот ва профилактика усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистоннинг турли минтақаларининг геронт ёшдаги аҳолиси орасида коморбид касалликларнинг асосий хавф омилларини, гендерли жиҳатларини ўрганиш, эпидемиологик хусусиятларини аниқлаш ва қиёсий баҳолаш;

Ўзбекистоннинг турли минтақаларининг геронт ёшдаги аҳоли популяциясида коморбид касалликларнинг энг етакчи хавф омилларини аниқлаш, қишлоқ ва шаҳар геронт аҳолисида коморбид касалликларнинг ҳамда уларнинг хавф омилларининг эпидемиологик тавсифларини аниқлаш ва уларнинг коморбидлик билан боғлиқлик даражасини баҳолаш;

геронт аҳоли популяциясида ёшга боғлиқ ҳолда коморбид касалликлар шаклланишининг эпидемиологик механизмлари ва клиник кечишининг тавсифларини ўрганиш, эпидемиологик тизимини ишлаб чиқиш ва амалий фаолиятга жорий қилиш;

Ўзбекистоннинг турли минтақаларининг аҳолиси учун коморбид касалликлар профилактикаси моделини ишлаб чиқиш ва амалиётга тавсия этиш, геронт аҳолида коморбидликнинг башоратли шкалаларини ишлаб чиқиш ва амалий фаолият учун тақдим этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистоннинг турли минтақаларида истиқомат қилувчи 635 та геронт ёшдаги аҳоли (эркаклар – 258 нафар ва аёллар – 377 нафар) популяцияси олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида геронт популяциянинг веноз қони, унинг зардоби биокимёвий тадқиқотлар учун олинган, эпидемиологик ва инструментал текширувлар натижалари таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, лаборатор, биокимёвий, сўровномали, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистоннинг турли минтақаларида яшовчи геронт аҳолида коморбид касалликлар ва уларнинг хавф омилларининг тарқалиш частоталари аниқланган ҳамда эпидемиологик хусусиятлари илмий жиҳатдан исботланган;

илк бор геронт аҳолида коморбид касалликларнинг гендерли жиҳатлари, геронт ҳамда супергеронт популяцияларида коморбидликка алоқадор етакчи хатар омиллари Ўзбекистоннинг турли минтақалари кесимида ажратилган ва уларнинг коморбидлик билан боғлиқлик даражаси баҳоланган;

илк бор Ўзбекистоннинг турли минтақаларининг геронт ва супергеронт ҳамда қишлоқ ва шаҳар аҳолисида коморбид касалликлар ва уларнинг хатар омилларининг эпидемиологик тавсифлари аниқланган;

илк бор геронт аҳоли популяциясида ёшга боғлиқ ҳолда коморбид касалликларнинг ривожланиши ва клиник кечишининг минтақавий хос тавсифлари аниқланган, ушбу касалликларга кучли таъсир ўтказувчи етакчи ҳудудий хавф омиллари тасдиқланган ва исботлаб берилган;

геронт аҳолида коморбид касалликларни эрта аниқлашнинг эпидемиологик тизими, геронтокоморбидликнинг башоратли жадваллари ва профилактика модели Ўзбекистон шароитини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга тавсия этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

янги комплекс, инновацион илмий дастур ишлаб чиқилган ва дунёда биринчилардан бўлиб геронт ва супергеронт аҳолида қўлланилган;

ушбу дастур Ўзбекистоннинг узоқ умр кўрувчи аҳолисининг коморбид касалликлари, касаллик олди ҳолати ва уларга боғлиқ бўлган хос хавф омиллари ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилади;

ҳозирги давр учун хос бўлган ушбу натижалар асосида геронт аҳолида коморбид касалликларни назорат қилиш ва профилактикаси бўйича ҳаракатни амалга ошириш дастурлари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган, яқин келажак учун башоратлаш фаолиятини берувчи жадваллар яратилган;

ўхшаш илмий лойиҳалар дунёда йўқ, унинг амалиётга киритилиши Ўзбекистоннинг ҳудудлари даражасида демографик кўрсаткичларни яхшилайти, миллат ва давлат ҳамда Ўзбекистон фанини халқаро нуфузини/шуҳратини оширади. Дастурни илк натижалари ўзини кўрсатган.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти.

илк бор геронт аҳоли учун оммавий равишда қўлланилиши мумкин бўлган клиник эпидемиологик мониторинг тизими амалиётда кенг қўлланиш учун жорий қилинди. Бу иқтисодий, тиббий ва ижтимоий фойда келтиради, узоқ умр кўрувчиларнинг ҳаёт тарзини яхшилайти ва умрни яна 10-15 йилга узайтириш имконини геронт аҳолида яратади;

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти – эпидемиологик натижаларга асосланиб яратилган профилактика моделининг геронт аҳолида коморбид касалликларни

84,0% гача эрта аниқлаш ва бартараф этиш имконини берганлиги, яратилган профилактика модели геронт аҳолида полипрагмазия хавфини 100,0% гача бартараф этиши тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб яратилган геронтполипатия/коморбидликнинг башоратли шкаласи коморбидликни 10-20 йил илгари олдини олиш имкониятини бериши ва тиббий ёрдам сифатини ҳамда самарасини деярли 70,0% дан ортиқ ошириши, тавсия қилинган профилактик модел/алгоритм/тизим узок умр кўрувчилар сонини Ўзбекистон шароитида янада ошириши, узок умр кўрувчиларни ижтимоий ҳаётга жалб қилган ҳолда ижтимоий салоҳият касб этиши билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий ва методологик баҳоси юқори бўлган усуллардан фойдаланилганлиги, эпидемиологик, предиктив ва профилактик ёндашувларни чуқур илмийлиги ҳамда асосланганлиги, тадқиқот материалининг етарли хажми ва сони, етарлича геронт популяцияни текширувга жалб қилинганлиги, замонавий таҳлилий усуллар билан маълумотларнинг қайта ишланганлиги, халқаро ва маҳаллий натижалар билан таққосланганлиги, олинган материалларнинг халқаро ва маҳаллий анжуманларда муҳокамадан ўтказилиши, ҳамда нуфузли журналларда чоп этилиши, тадқиқот натижаларининг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, натижалар ва хулосаларнинг ишончлилиги ва илмий асосланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Геронт аҳоли популяциясида коморбид касалликларни эпидемиологияси ва профилактикасини Ўзбекистоннинг турли минтақаларида хусусиятлари бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: илк бор Ўзбекистоннинг турли минтақаларида яшовчи геронт аҳолида коморбид касалликлар ва уларнинг хавф омилларининг тарқалиш частоталари аниқланган ҳамда эпидемиологик хусусиятлари илмий жиҳатдан исботланган ва бу бўйича тавсиялар Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 27.08.2024 йилдаги 6i-53/у ҳамда 6i-54/у-сон билан тасдиқланган «Коморбид касалликларни Ўзбекистоннинг турли минтақаларида эпидемиологиясини умумий геронт хусусиятлари» ва «Хатар омилларини турлича қўшилувида коморбид касалликларни тарқалиши ва шаклланишларини геронт аҳолида қиёсий эпидемиологик тавсифлари» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Бу таклифлар Республика кўп тармоқли тиббиёт Илмий маркази Наманган, Фарғона, Андижон филиалларининг тегишли бўлимларида (14.11.2024 й. 70-сон буйруқ, 19.11.2024 й. 94-сон буйруқ, 01.11.2024 й. 72-сон буйруқ) билан амалий фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси ССВ ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 17.11.2025 й. 29/61-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: геронт аҳолида коморбид касалликлар ва уларнинг хавф омилларининг тарқалиш частоталари аниқланган. Иқтисодий самарадорлиги: геронт аҳолида коморбид касалликлар ва уларнинг хавф омиллари аниқлаш асосида одатда умумий ўртача 15-17 кун учун 7544500 сўм. Иқтисод қилинган. Хулоса: Ўзбекистоннинг $\geq 90-106$ ёшли аҳолисида коморбид касалликлар 98,4%

тарқалиш частотаси билан аниқланади, уларнинг 60,8%ида коморбидлик ≥ 5 та сурункали касалликлар қўшилиб келиши билан ифодаланади.

иккинчи илмий янгилик: илк бор геронт аҳолида коморбид касалликларнинг гендерли жиҳатлари, геронт ҳамда супергеронт популяцияларида коморбидликка алоқадор етакчи хатар омиллари Ўзбекистоннинг турли минтақалари кесимида ажратилган ва уларнинг коморбидлик билан боғлиқлик даражаси баҳоланган ва бу бўйича тавсиялар Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 27.08.2024 йилдаги 6i-53/u ҳамда 6i-54/u-сон билан тасдиқланган «Коморбид касалликларни Ўзбекистоннинг турли минтақаларида эпидемиологиясини умумий геронт хусусиятлари» ва «Хатар омилларини турлича қўшилувида коморбид касалликларни тарқалиши ва шаклланишларини геронт аҳолида қиёсий эпидемиологик тавсифлари» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Бу таклифлар Республика кўп тармоқли тиббиёт Илмий маркази Наманган, Фарғона, Андижон филиалларининг тегишли бўлимларида (14.11.2024 й. 70-сон буйруқ, 19.11.2024 й. 94-сон буйруқ, 01.11.2024 й. 72-сон буйруқ) билан амалий фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси ССВ хузуридаги Илмий техник кенгашининг 17.11.2025 й. 29/61-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: янги комплекс, инновацион илмий дастур ишлаб чиқилган ва дунёда биринчилардан бўлиб геронт ва супергеронт аҳолида қўлланилган. Иқтисодий самарадорлиги: геронт ва супергеронт аҳоли учун янги комплекс, инновацион илмий дастур остида ижобий натижалар 1,5 баробар кўп ҳолатда кузатилганлигини ҳисобга олсак, йиллик иқтисодий кўрсаткич 22568740 сўмни ташкил этади. Хулоса: коморбид касалликлар ёшга боғлиқ ҳолда тафовутланиб 90-99ёшда -79,7%, 100-105да – 16,1% ва ≥ 106 ёшли популяцияда – 4,3% аниқланиш частоталарида қайд қилинади..

учинчи илмий янгилик: илк бор Ўзбекистоннинг турли минтақаларининг геронт ва супергеронт ҳамда қишлоқ ва шаҳар аҳолисида коморбид касалликлар ва уларнинг хатар омилларининг эпидемиологик тавсифлари аниқланган ва бу бўйича тавсиялар Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 27.08.2024 йилдаги 6i-53/u ҳамда 6i-54/u-сон билан тасдиқланган «Коморбид касалликларни Ўзбекистоннинг турли минтақаларида эпидемиологиясини умумий геронт хусусиятлари» ва «Хатар омилларини турлича қўшилувида коморбид касалликларни тарқалиши ва шаклланишларини геронт аҳолида қиёсий эпидемиологик тавсифлари» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Бу таклифлар Республика кўп тармоқли тиббиёт Илмий маркази Наманган, Фарғона, Андижон филиалларининг тегишли бўлимларида (14.11.2024 й. 70-сон буйруқ, 19.11.2024 й. 94-сон буйруқ, 01.11.2024 й. 72-сон буйруқ) билан амалий фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси ССВ хузуридаги Илмий техник кенгашининг 17.11.2025 й. 29/61-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ушбу дастур Ўзбекистоннинг узоқ умр кўрувчи аҳолисининг коморбид касалликлари, касаллик олди ҳолати ва уларга боғлиқ бўлган хос хавф омиллари ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилади. Иқтисодий самарадорлиги: асосий гуруҳдаги беморларда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар 30% қисқартиришликка эришилди. Хулоса: ижтимоий хавф

омилларига боғлиқ ҳолда (кўп болалилик, меҳнат тури) ва оилавий муҳит таъсирида геронт ҳамда супергеронт популяцияда коморбид касалликлар билан касалланиш хавфи мос равишда 31,6 ва 6 барабаргача ортади.

тўртинчи илмий янгилик: илк бор геронт аҳоли популяциясида ёшга боғлиқ ҳолда коморбид касалликларнинг ривожланиши ва клиник кечишининг минтақавий хос тавсифлари аниқланган, ушбу касалликларга кучли таъсир ўтказувчи етакчи ҳудудий хавф омиллари тасдиқланган ва исботлаб берилган ва бу бўйича тавсиялар Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 27.08.2024 йилдаги 6i-53/у ҳамда 6i-54/у-сон билан тасдиқланган «Коморбид касалликларни Ўзбекистоннинг турли минтақаларида эпидемиологиясини умумий геронт хусусиятлари» ва «Хатар омилларини турлича кўшилувида коморбид касалликларни тарқалиши ва шаклланишларини геронт аҳолида қиёсий эпидемиологик тавсифлари» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Бу таклифлар Республика кўп тармоқли тиббиёт Илмий маркази Наманган, Фарғона, Андижон филиалларининг тегишли бўлимларида (14.11.2024 й. 70-сон буйруқ, 19.11.2024 й. 94-сон буйруқ, 01.11.2024 й. 72-сон буйруқ) билан амалий фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси ССВ ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 17.11.2025 й. 29/61-сон ҳулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ҳозирги давр учун хос бўлган ушбу натижалар асосида геронт аҳолида коморбид касалликларни назорат қилиш ва профилактикаси бўйича ҳаракатни амалга ошириш дастурлари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган, яқин келajak учун башоратлаш фаолиятини берувчи жадваллар яратилган. Иқтисодий самарадорлиги: коморбид касалликларни назорат қилиш ва профилактикаси бўйича ҳаракатни амалга ошириш дастури туфайли беморларни стационар шароитда даволаш одатда умумий ўртача 22564500 сўм сарфланади. Йиллик иқтисодий кўрсаткич эса ўз навбатида 20% гача бюджет маблағларини тежашга олиб келади. Хулоса: геронт ва супергеронт ёш сурункали юқумли бўлмаган касалликлар комбинацияланиши ҳолатини кескин оширади. Уларда 1 та касалликнинг қайд қилиниши кузатилмайди.

бешинчи илмий янгилик: геронт аҳолида коморбид касалликларни эрта аниқлашнинг эпидемиологик тизими, геронтокоморбидликнинг башоратли жадваллари ва профилактика модели Ўзбекистон шароитини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга тавсия этилган ва бу бўйича тавсиялар Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 27.08.2024 йилдаги 6i-53/у ҳамда 6i-54/у-сон билан тасдиқланган «Коморбид касалликларни Ўзбекистоннинг турли минтақаларида эпидемиологиясини умумий геронт хусусиятлари» ва «Хатар омилларини турлича кўшилувида коморбид касалликларни тарқалиши ва шаклланишларини геронт аҳолида қиёсий эпидемиологик тавсифлари» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Бу таклифлар Республика кўп тармоқли тиббиёт Илмий маркази Наманган, Фарғона, Андижон филиалларининг тегишли бўлимларида (14.11.2024 й. 70-сон буйруқ, 19.11.2024 й. 94-сон буйруқ, 01.11.2024 й. 72-сон буйруқ) билан амалий фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси

ССВ ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 17.11.2025 й. 29/61-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ўхшаш илмий лойиҳалар дунёда йўқ, унинг амалиётга киритилиши Ўзбекистоннинг ҳудудлари даражасида демографик кўрсаткичларни яхшилади, миллат ва давлат ҳамда Ўзбекистон фанини халқаро нуфузини/шуҳратини оширади. Дастурни илк натижалари ўзини кўрсатган. Иқтисодий самарадорлиги: йиллик иқтисодий кўрсаткич ўз навбатида 20% гача бюджет маблағларини тежашга олиб келади. Хулоса: коморбид касалликларнинг геронт аҳолида шаклланиши ва тарқалиши частотасида хавф омиллари ҳудудий хосликни ифодалаб рол ўйнайди ва асосан, липидлар алмашинувининг бузилишининг уларга алоқадорлиги (28,5%гача) ишончли ва сезиларли тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан, 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 9 боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 197 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, унинг мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети келтирилган, унинг республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги баён қилинган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишларнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Коморбид касалликларни геронт популяцияда ўрганиш-замонавий фан ва амалиёт учун эҳтиёжманд муаммо (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида коморбид касалликларнинг хос жиҳатларини геронт аҳоли популяциясида ўрганишнинг минтақавий ва замонавий йўналишлари, коморбидликни турли минтақаларда эрта аниқлаш ва бартараф этишнинг илмий асослари, геронт аҳолида коморбидликнинг келиб чиқиши, клиник кечиши ва асоратланишларининг ҳудудий – жўғрофий жиҳатлари, фармако-эпидемиологик ва профилактик хусусиятлари, коморбид касалликлар скрининги, фармакотерапиясининг хавфсизлигини таъминлаш ва профилактиканинг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий ва амалий йўналишлар замонавий хорижий ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг илмий

маълумотларига асосланган ҳолда батафсил ўрганилган. Боб якунида ўрганилган материалларнинг таҳлили асосида боб бўйича хулосалар тақдим этилган.

Диссертациянинг **“Геронт популяцияда коморбид касалликларнинг эпидемиологияси ва профилактикаси хусусиятларини ўрганишнинг материали ва тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотни ташкил қилиш ва ўтказишда қўлланилган материал ва усуллар ҳақида батафсил изоҳлар келтирилган

Ўзбекистоннинг 5 та вилоятида (Андижон, Наманган, Фарғона, Жиззах, Қашқадарё) бир вақтли эпидемиологик тадқиқот ўтказилди. Жами 635 нафар текширилди (258 эркак, 377 аёл): 90–99 ёш — 506, 100–105 ёш — 102, 106 ёш ва катта — 27 нафар.

Тадқиқот 3 босқичда ўтказилди: I — сурункали касалликларни сўровнома орқали ўрганиш; II — физик ўлчовлар (бўй, вазн, АҚБ, пульс); III — биокимёвий текширувлар ва фармако-эпидемиологик маълумотлар.

Эпидемиологик текширувларга ЖССТ томонидан қўйилган талаблардан келиб чиқиб тадқиқотда қуйидаги усуллар қўлланилди: эпидемиологик (сўровномали усул, анкета-сўровнома), умумклиник (анамнез, физик усуллар, қон ва сийдик таҳлили), инструментал (ЭКГ, рентгенологик ва ултратовуш текширувлар), АҚБни ўлчаш, антропометрик ўлчовлар ва биокимёвий текширувлар (қонда липидлар миқдорини аниқлаш).

Умумклиник текширув: анамнез, қон ва сийдик таҳлили (гемоглобин, лейкоцитлар, эритроцитлар ва бошқалар). Инструментал усуллар: ЭКГ (12 тармоқда) ва УТТ (қорин бўшлиғи аъзолари, ALOKA–5500).

Хавф омиллари ЖССТ мезонлари бўйича баҳоланди: АГ (САБ ≥ 140 , ДАБ ≥ 90), гиперхолестеринемия ($\geq 5,0$ ммол/л), гипертриглицеридемия ($\geq 1,7$ ммол/л), гиподинамия (хафтада < 2 соат), камқоғат овқатланиш (< 400 г/сут), чекиш, алкоголь. Коморбидлик Kramer/Ker ва Верткин-Наумов индекслари бўйича баҳоланди.

Статистик таҳлил IBM SPSS v.26 да ўтказилди; $M \pm SD$, 95% ишонч интервали, Манн-Уитни, χ^2 , Фишер мезонлари қўлланилди ($p < 0,05$ — статистик аҳамиятли).


Диссертациянинг **“Коморбид касалликлар эпидемиологияси, Ўзбекистоннинг турли минтақаларида умумий геронт хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобида коморбидликнинг ≥ 90 -106 ёшли аҳоли популяциясида эпидемиологик тавсифи хусусиятлари баён қилинган.

Геронт ёшдаги аҳолида коморбидлик қатор эпидемиологик хос эпидемиологик тавсифлар билан аниқланди. ≥ 90 -106 ёшли аҳолининг 98,4%ида полиаъзоли сурункали 2 тадан ортиқ касалликлар, коморбидлиги аниқланди. Фақат 1,6% геронтларда КК қайд қилинмади [$RR=1,67$; 95% CI=1,41 – 1,98; $\chi^2=64,93$; $P < 0,05$].

Шундай қилиб, эпидемиологик текширувнинг маълумотларини умумлаштириб хулоса чиқариш мумкинки, коморбид касалликлар геронт аҳолида юқори частоталарда кузатилади. Энг кўп ≥ 5 тадан ортиқ коморбид касалликлар қайд қилинади ва тарқалиш частотаси бўйича воҳа популяцияси


етакчилик ролида тасдиқланади, деярли икки бараварга етиб нисбатан кам частоталарда коморбид касалликлар водий популяциясида аниқланади ($P<0,05$).

Текширилган 90-99 ёшли жами аҳолида ($n=635$) битта касалликнинг аниқланиш частотаси – 2,8%ни, иккита касалликни қўшилиб келиш частотаси – 8,3%ни, учта касалликнинг қўшилиб учраши частотаси 10,1%ни, тўртта касалликни қўшилиб келиши – 10,1% ни ва бештадан ортиқ касалликларнинг бир пайтда қўшилиб аниқланиш частотаси – 46,9% ни ташкил этади. Жами коморбидликнинг аниқланиш частотаси – 79,7% ни ташкил этади [$RR=1,51$; 95% CI=1,27 – 1,79; $\chi^2=36,54$; $P<0,05$] – 1-расм.



1-расм. Жами коморбидликнинг умумий ва ҳудудий 90-99 ёшли аҳолида ифодаланиши.

Коморбид касалликлар жами 100-105 ёшли аҳолида 16,1% тарқалиш частотаси билан аниқланади. 1 та касаллик билан 100-105 ёшлилар – 0,5%ни, 2 та касаллик билан – 2,0%ни, 3 та касаллик қўшилиб келиши – 0,5%ни, 4 та касаллик билан – 1,7%ни ва 5 тадан зиёд касалликлар қўшилиб учраши – 11,2%ни ташкил қилади [$RR=1,07$; 95% CI=0,83 – 1,37; $\chi^2=0,31$; $P>0,05$] – 2-расм.




2-расм. Коморбид касалликлар эпидемиологик тавсифларининг 100-105 ёшли геронт популяцияда ифодаланиши

Коморбид касалликларнинг 100-105 ёшли аҳолида тарқалиши бўйича хулоса қилиш мумкинки, коморбидлик-салкам 16 бараваргача кўп частота билан Жиззах худуди популяциясида ва энг кам частотаси Фарғонанинг геронт - 100-105 ёшли аҳолисида кузатилди ($P<0,001$).

Популяция даражасида коморбид касалликларнинг ≥ 106 ёшлиларда тарқалиш частотаси 4,3%ни ташкил қилди. 1 та касаллик билан аҳоли 0,2%ни ташкил этди, иккита касаллик-0,6%, учта касаллик-0,5%, тўртта касаллик-0,3% ва бир вақтда 5 та ва/ёки ундан ортиқ касалликлар қўшилиб келиши билан ифодаланувчи коморбид ҳолат-2,7% геронт аҳолида тасдиқланди [$RR=1,6$; 95% $CI=0,81 - 3,03$; $\chi^2=3,44$; $P>0,05$].

Диссертациянинг “Ўзбекистоннинг турли минтақаларида геронт популяцияда коморбид касалликлар эпидемиологиясининг гендерли хусусиятлари” деб номланган тўртинчи бобида Ўзбекистоннинг турли минтақаларининг геронт аёллар ва эркаклар популяциясида коморбид касалликлар эпидемиологиясининг тавсифи хусусиятлари келтирилган.

Улардан кўринадики, жами коморбид касалликлар $\geq 90-106$ ёшли аёлларда-59,5% тарқалиш частотасида аниқланади. Фақатгина 1,3% аёлларда аниқланмайди, битта касаллик геронт аёлларнинг-2,7%ида аниқланади, иккита касаллик-6,6%ида, учта касаллик-7,1%ида, тўртта касаллик-7,6%ида, бешта ва ундан ортиқ касалликларнинг қўшилиб аниқланиши-3,3%ида тасдиқланди [$RR=1,7$; 95% $CI=1,36 - 2,13$; $\chi^2=38,32$; $P<0,05$].



3-расм. 90-99 ёшли геронт аёлларда коморбид касалликларининг тарқалишини ифодаланиши.


100–105 ёшли аёлларда коморбидлик — 10,9%, асосан ≥ 5 касаллик (7,7%); Қашқадарё ва Наманганда юқори, Фарғона ва Андижонда паст. 106 ёш ва катта аёлларда — 3,1%, барчасида касаллик аниқланган.

Эркаклар (90–106 ёш): жами коморбидлик — 40,5%, асосан ≥ 5 касаллик (26,5%) [$RR=1,61$; $p<0,05$]; 90–99 ёшлиларда — 34,2%, ≥ 5 касаллик — 22,2% [$p<0,05$]; 100–105 ёшлиларда — 5,2%, асосан ≥ 5 касаллик (3,5%); вилоятлар бўйича: Қашқадарё — 13,1%, Жиззах — 10,6%, Андижон — 1,9%, Фарғона — 0%.

Хулоса: геронт ёшдаги ҳар бешинчи эркакда коморбидлик кузатилади; Қашқадарё ва Жиззах вилоятлари етакчилик қилади.

Диссертациянинг “Ўзбекистоннинг турли минтақаларининг геронт қишлоқ ва шаҳар аҳолисида коморбид касалликларнинг эпидемиологияси” деб номланган бешинчи бобида мамлакатимизнинг турли минтақаларининг геронт қишлоқ ва шаҳар аҳолисида коморбид касалликлар эпидемиологиясининг тавсифи ўрин олган.

Тасдиқланишича, ≥ 90 -106 ёшли геронт қишлоқ аҳолисида, жами Ўзбекистон минтақалари бўйича, коморбид касалликлар 74,8% тарқалиш частотасида тасдиқланади. Фақат 0,9% қишлоқ-геронт аҳолисида касалликлар аниқланмайди. Ушбу аҳоли учун куйидаги эпидемиологик хусусиятларнинг хослиги қайд қилинди: битта касаллик – 1,7%, иккита касаллик – 7,9%, учта касаллик – 8,5%, тўртта касаллик қўшилиб келиши – 9,3% ва ≥ 5 та касалликнинг ўзаро қўшилиши билан таркибланган коморбидлик – 46,5% тарқалиш частотаси билан тавсифланади [RR=1,73; 95% CI=1,41 – 2,13; $\chi^2=53,76$; $P<0,05$].



4-расм. ≥ 90 -106 ёшли шаҳар аҳолисида коморбид касалликлар тарқалишининг ифодаланиши.

Шаҳар аҳолиси (90–106 ёш): жами коморбидлик — 25,2%, асосан ≥ 5 касаллик (14,0%) [RR=1,5; $p<0,05$]. 90–99 ёшли шаҳарликларда — 23,9%, фақат 0,6% да йўқ [$p<0,05$]. 100–105 ёшли шаҳарликларда — 1,1% дан ошмайди, асосан ≥ 5 касаллик (0,6%) [$p>0,05$] – 4-расм.

Хулоса: қишлоқ ва шаҳар геронт популяциясида коморбидликнинг эпидемиологик кўрсаткичлари фарқланади, бу эса ҳудудга хос профилактика дастурларини ишлаб чиқиш зарурлигини тасдиқлайди.

Диссертациянинг “Ўзбекистоннинг геронт ёшдаги аҳолисида коморбидликнинг кўп сонли хавф омилларининг эпидемиологияси” деб

номланган олтинчи боби геронт аҳолида ёшга боғлиқ ҳолда кўп сонли хавф омиллари эпидемиологиясининг хусусиятларига бағишланган.

Баён этилган рақамли маълумотларнинг далолат беришича, минтақалар популяцияси бўйича жами КСХОнинг аниқланиши фақатгина 90-99 ёшли геронтларнинг 20,8%ида аниқланмайди холос. 79,2% 90-99 ёшли аҳолида КСХО аниқланади [RR=0,38; 95% CI=0,29 – 0,49; $\chi^2=82,78$; $P<0,05$]. 1-2 таркибли КСХО – 42,5%, 3-4 таркибли КСХО- 27,5% ва ≥ 5 таркибли КСХО – 9,3% тарқалиш частотаси билан аниқланади.

Худди шундай таҳлиллар 100-105 ва ≥ 106 ёшли аҳолида ўтказилиб, минтақалар бўйича жами популяцияда, 100-105 ёшли геронтларда, КСХО - эркакларда – 32,4% ва аёлларда – 66,7% тарқалиш частоталари билан аниқланди. Эркакларда 1-2 та КСХО – 9,1%, 3-4 та -30,3% ва ≥ 5 та - 60,6% частоталарда ифодаланиб тасдиқланди [RR=0,67; 95% CI=0,52 – 0,86; $\chi^2=1,44$; $P>0,05$]. Аёлларда ушбу кўрсаткичлар мос ҳолда – 57,4%, 33,8% ва 8,8% частоталарда ифодаланиш билан тасдиқланди [RR=0,21; 95% CI=0,10 – 0,42; $\chi^2=46,74$; $P<0,05$].

Ўзбекистон минтақалари бўйича жами ≥ 90 -106 ёшли геронт аҳолида ҳулоса қилиб кўрсатиш мумкинки, 1-2 та ва 3-4 та ҳамда ≥ 5 та хавф омилларининг қўшилиб аниқланиш частотаси юқори частоталарда тасдиқланди ва уларнинг қайд қилиниши ёшга боғлиқ ҳолда – геронтдан супергеронт ёшгача 100,0% гача ортиш билан қайд этилади.

Диссертациянинг **“Ўзбекистоннинг геронт аҳолисида коморбид касалликларнинг ижтимоий хавф омилларига боғлиқ ҳолда тарқалиш хусусиятлари”** деб номланган еттинчи бобида болаларининг сони бўйича фарқланувчи геронт популяцияда ва оилавий ҳолатга боғлиқ ҳолда коморбид касалликларнинг тарқалиш хусусиятлари

Тақдим этилган маълумотлар таҳлилидан аён бўладики, битта боласи бўлган геронт аҳолида коморбид касалликлар қайд қилинмайди. Лекин иккита фарзанди бўлган геронт аҳолида қуйидагича эпидемиологик тавсифлар аниқланади: 1) коморбид касалликлар 3,8% аниқланиш частотаси билан аниқланади [RR=5,53; 95% CI=1,48 – 20,64; $\chi^2=12,26$; $P<0,05$], 2) битта сурункали касаллик – 2,7% тарқалиш частотасида аниқланади; 3) иккита касалликнинг қўшилиб келиши билан ифодаланган коморбидлик – 35,1% частотада қайд қилинади; 4) учта сурункали касалликдан таркиб топган коморбидлик – 5,4%; 5) тўртта касаллик билан коморбидлик – 17,5% тарқалиш частотасида кузатилади; 6) бешта касалликнинг қўшилиб келиши билан ифодаланган коморбидлик – 37,8% аниқланиш частотасида қайд қилинади.

Ҳулоса қилиш мумкинки, болалар сонининг кўплигига боғлиқ ҳолда узок умр кўрувчиларнинг коморбид касалликлар билан касалланиш хавфи 31,6 барабар ошади. ≥ 3 та болали узок умр кўрувчиларда коморбид касалликлар – 95,7% частотада тарқалиш билан тасдиқланади [RR=1,54; 95% CI=1,31 – 1,82; $\chi^2=48,04$; $P<0,05$].


Диссертациянинг **“Эпидемиологик хавф омиллари бўйича фарқланувчи узок умр кўрувчилар популяциясида коморбид касалликларнинг тарқалиши”** деб номланган саккизинчи бобида

овқатланиш хусусиятлари бўйича фарқланувчи узоқ умр кўрувчилар популяциясида коморбид касалликларнинг тарқалиши тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган.

Маълум бўлишича, “Мунтазам овқатланиш хусусияти”га эга бўлган геронт аҳолида коморбид касалликлар 55,75% тарқалиш частотаси билан қайд қилинади, асосан иккита касалликдан таркиб топган (60,0%), учта касаллик билан ифодаланган (55,56%), тўртта касалликдан иборат (54,55%) ва 5 та касаллик билан (55,84%) коморбидлик тасдиқланади [RR=0,92; 95% CI=0,74 – 1,13; $\chi^2=1,2$; P>0,05] – 5-расм.

“Номунтазам овқатланиш” хусусиятга эга геронт аҳолида – 2 та касалликнинг қўшилиб келиши билан коморбидлик – 40,0%, учта сурункали касаллик билан ифодаланган коморбидлик – 44,44%, тўртта касаллик қўшилиб келган коморбидлик – 45,45% ва бешта касалликдан таркиб топган коморбидлик – 44,16% аниқланиш частоталари билан аниқланди. Жами коморбид касалликлар ушбу популяцияда “номунтазам овқатланиш” омилига боғлиқ ҳолда – 44,25% тарқалиш частотаси билан тасдиқланди [RR=0,95; 95% CI=0,76 – 1,18; $\chi^2=0,37$; P>0,05].

“Таркибида ёғи кам (ёғсиз)” таом истеъмолига боғлиқ ҳолда ≥ 90 ёшли аҳолида коморбид касалликлар 58,4% частотада тарқалиш билан ифодаланади. Ушбу одатга эга бўлган геронтларда 2 та касалликдан иборат коморбидлик – 60,0%, 3 та таркибланган касаллик билан коморбидлик – 51,85%, 4 та касаллик билан ифодаланган коморбидлик – 52,73% ва 5 та касаллик билан таркибланган коморбидлик – 59,31% аниқланиш частоталарида тасдиқланди [RR=0,9; 95% CI=0,72 – 1,12; $\chi^2=1,84$; P>0,05].



5-расм. Овқатланиш хусусиятларига боғлиқ ҳолда геронт аҳолида коморбид касалликлар тарқалишининг ифодаланиши.

Коморбид касалликларнинг “Таркибида ёғи кўп (ёғли таом) таом” истеъмоли одати бўлган геронт аҳолида аниқланиш частотаси - 41,57%ни ташкил қилди. 2 та касаллик қўшилиб келиши билан коморбидлик – 40,0%, 3

талиқ тури – 48,15%, 4 та касаллик қўшилиб келишида ифодаланган коморбидлик – 47,17% ва 5 та касаллик билан ифодаланган коморбидлик – 40,69% аниқланиш частотасида кузатилди [RR=0,97; 95% CI=0,79 – 1,19; $\chi^2=0,13$; P>0,05].

“Мева – сабзавотларни кунига 400 гдан кўп истеъмол қилиш” одати бўлган (меъёрда овқатланиш) геронт аҳолида 2 та касаллик билан коморбидлик – 60,0%, 3 та касаллик билан коморбидлик – 48,15%, 4 та касаллик билан коморбидлик – 47,17% ва 5 та касаллик билан коморбидлик – 53,83% тарқалиш частоталарида қайд қилинди [RR=0,88; 95% CI=0,70 – 1,12; $\chi^2=2,2$; P>0,05]. Коморбид касалликларнинг жами тарқалиш частотаси ушбу популяцияда – 53,07%ни ташкил қилди. “Мева – сабзавотларнинг кунлик истеъмоли меъёрдан кам (<400г)” бўлган геронт аҳолида коморбид касалликларнинг тарқалиш частотаси – 46,93%ни ташкил қилди, 2 та касаллик билан ифодаланган коморбидлик – 40,0%, 3 та касаллик билан шаклланган коморбидлик – 51,85%, 4 та касаллик билан ифодаланган коморбидлик – 52,73% ва 5 та касалликда ифодаланган коморбидлик – 46,17% частоталарда тарқалиши билан қайд қилинди [RR=0,98; 95% CI=0,81 – 1,18; $\chi^2=0,08$; P>0,05].

Овқатланиш хусусиятларига боғлиқ ҳолда коморбид касалликларнинг аниқланиш частотаси 12,0% дан ортиқ фарқ билан қайд қилинди.

≥90-106 ёшли популяцияда 1 та СНКнинг қайд қилиниши кузатилмайди (0,00%), 2 та СНК комбинацияси – 0,5%, 3 та СНК комбинацияси – 5,6%, 4 СНК комбинацияси – 9,3% ва 5 СНК комбинацияси – 84,6% частоталарда қайд қилинди.

Ёш гуруҳларида мос ҳолда “ЮҚК+ЎСОК” қўшилиб келиши – 98,8%, 98,6%, 100,0% ва 100,0%, “ЮҚК+ОИК” қўшилиб келиши – 98,8%, 98,6%, 100,0% ва 100,0%, “БСАТК+ЮҚК” – 98,8%, 98,6%, 100,0% ва 100,0%, “ЮҚК+ОИК+БСАТК” – 98,8%, 98,6%, 100,0% ва 100,0%, “СТК+ ЮҚК+ОИК+БСАТК+ЎК” – 98,8%, 98,6%, 100,0% ва 100,0% тасдиқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўрганилган коморбид касалликларнинг қўшилиб келиш хусусиятлари ва узок умр кўрувчилар популяциясида тарқалиш частоталари (% да)

Ёш	90 – 99 ёш n=506	100 – 105 ёш n=102	≥ 106 ёш n=27	≥ 90 – 106 ёш n=635
СНК қўшилиб келиши				
Коморбид касаллик йўқ	1,6	2,0	0,0	1,6
ЮҚК + ЎСОК	98,0	96,1	100,0	97,8
ЮҚК + ОИК	98,4	96,1	100,0	98,1
БСАТК + ЮҚК	98,0	98,0	100,0	98,1
ЮҚК + ОИК + БСАТК	98,4	97,1	100,0	98,3
СТК + ЮҚК + ОИК + БСАТК + ЎК	98,4	98,0	100,0	98,4

90-99 ёшли геронт аҳолида, ДЛП тасдиқланган ва тасдиқланмаганлар гуруҳида, коморбид касалликлар мос ҳолда – 29,6% ва 65,8% тарқалиш частоталарида қайд қилинди [RR=0,45; 95% CI=0,39 – 0,57; $\chi^2=142,12$; P<0,05].

100-105 ёшлиларда ДЛПга боғлиқ ҳолда коморбид касалликлар – 25,5% (ДЛП “+” популяцияда) ва – 67,6% (ДЛП “–” популяцияда) тарқалиш частоталарида аниқланди [RR=0,39; 95% CI=0,28 – 0,55; $\chi^2=38,44$; P<0,05].

ДЛП аниқланган ва аниқланмаган ≥ 106 ёшли геронт аҳолида коморбид касалликлар – 18,5% ва 81,5% частоталарда тарқалиш билан тасдиқланди [RR=0,23; 95% CI=0,10 – 0,51; $\chi^2=21,41$; P<0,05].

Липид даражасига боғлиқ ҳолда кўп сонли сурункали касалликлар (коморбидлик) узок умр кўрувчи - ≥ 90 -106 ёшлиларда жами тарқалиш частотаси – 28,5% (ДЛП аниқланган популяцияда) ва 66,8% (ДЛП бўлмаган популяцияда) кўрсаткичлар билан тасдиқланди [RR=0,43; 95% CI=0,38 – 0,49; $\chi^2=198,34$; P<0,05] – 2-жадвал.

2-жадвал

Кўп сонли сурункали касалликларнинг (коморбид) узок умр кўрувчиларда қондаги липидлар даражасига боғлиқ ҳолда тарқалиши

Ёш	Текширилганлар сони	ДЛП аниқланганлар сони	Коморбид касалликларнинг тарқалиши		ДЛП йўқ бўлган УЎКА		Коморбид касалликларнинг тарқалиши		RR	95%CI	χ^2	P
			Мутлоқ сонда	%	Мутлоқ сонда	%	Мутлоқ сонда	%				
90 – 99	506	157	150	29,6	349	69,0	333	65,8	0,45	0,39-0,52	142,12	<0,05
100–105	102	29	26	25,5	73	71,6	69	67,6	0,39	0,28-0,55	38,44	<0,05
≥ 106	27	5	5	18,5	22	81,5	22	81,5	0,23	0,10-0,51	21,41	<0,05
≥ 90 –106	635	191	181	28,5	444	69,9	424	66,8	0,43	0,38-0,49	198,34	<0,05

Изоҳ: ДЛП – дислипидемия (қондаги холестерин ёки триглицерид) меъёрдан ($\geq 5,1$ ммоль/л ва 1,77 ммоль/л) ортиши

Диссертациянинг “Узок умр кўрувчилар популяциясида хавф омиллари кўшилиб келишининг тарқалиши ва эпидемиологик тавсифланиши” деб номланган тўққизинчи бобида узок умр кўрувчилар популяциясида хавф омиллари кўшилиб келишининг ёшга ва гендер омилига боғлиқ ҳолда аниқланиш частоталари баён қилинган.

Маълум бўлишича, Ўзбекистоннинг ≥ 90 -106 ёшли геронт ва супергеронт аҳолисида КСХО қуйидаги хавф омилларининг кўшилиб келишида ифодалади. АГ+ДЛП+АГ+ОТВ, АГ+ДЛП+ОТВ, ДЛП+ОТВ, АГ+ДЛП+ОТВ. Бундан ташқари кўпчилик геронтларда ёлғиз хавф омиллар (ХО) – АГ, ДЛП, ОТВ, чекиш, мева-сабзавотларни меъёрдан кам истеъмол қилиш (МСПАКИ), алкоголь истеъмоли (АИ) ва гиподинамия аниқланди (3-жадвал). Жами, ≥ 90 -106 ёшли геронт аҳолида хавф омилларининг тарқалиш частотаси – 71,2%ни ташкил этди, 28,8%ида ХО қайд этилмади.

Кўп сонли хавф омилларининг узок умр кўрувчилар популяциясида тарқалиши ва аниқланиш частоталари

Ёш гуруҳлари	Текширил- ганлар сони	Кўп сонли хавф омиллари қўшилиб келишининг тавсифи (%)													
		О	АГ	АГ+ДЛП	АГ+ОТВ	АГ+ДЛП+ ОТВ	ДЛП	ОТВ	ОТВ+ДЛП	АГ+ДЛП+ОТВ	Чекиш	МСПМКИ	Алкогол истеъмоли (АГ)	Гиподи-намия	Жами
90 – 99	506	29,1	73,2	22,2	5,2	26,1	29,1	6,9	1,3	26,1	33,7	56,5	20,9	69,6	30,8
100 – 105	102	25,9	63,5	20,0	5,9	23,5	25,9	5,9	2,4	23,5	35,3	45,9	25,9	100,0	31,0
≥ 106	27	15,4	76,9	11,5	7,7	23,1	15,4	11,5	3,8	23,1	30,8	50,0	19,2	100,0	29,9
≥ 90 – 106	635	28,3	54,9	38,9	15,3	55,3	51,0	19,7	6,6	55,3	77,3	30,2	52,1	74,4	71,2

